2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД - 5510200 - 2.12

2019 йил «15» 04

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

107-сонли буйруқ

2019 йил «25» апрель

ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 –Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510200 – Педиатрия иши

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил "25" 04 даги "107 – сонли буйруғининг 2 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил "15" 04 даги "1 "– сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОЎМТВнинг 2018 йил "7" 12 даги 1000-сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ш.Т.Искандарова - ТошПТИ Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси мудири, профессор

Г.А.Джалилова - ТошПТИ Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н..

Н.Ф.Расулова - ТошПТИ Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси доценти, т.ф.н..

Тақризчилар:

Э.А.Шомансурова - ТошПТИ Амбулатория тиббиёти кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Х.Е.Рустамова - ТМА Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил килиш ва бошқариш кафедраси мудири, профессор

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кенғашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2019 йил "27 март" даги "8"-сонли баённома).

I.Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил этиш фани талабаларга тиббиётнинг ривожланиш йўлларини, унинг эришган ютуқларини, жамоат саломатлигини, уларнинг яшаш шароитларини, таъсир этувчи ижтимоий-гигиеник, иқтисодий, биологик ва ташкилий омилларни, шу билан бир қаторда, аҳоли саломатлиги динамикасини, аҳолини согломлаштириш йўлларини, тиббий муассасалари фаолиятини бошқариш билан боглиқ назарий, услубий, ташкилий, иқтисодий қирраларини илмий нуқтаи-назардан ўргатади. Фан дастури ўз ичига 3 фанни қамраб олган (Тиббиёт тарихи, Жамоат саломатлиги, Маркетинг ва менежмент).

Ушбу дастур замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабаларни инсониятнинг турли даврларда тиббиётнинг ривожланиш масалалари ва қонунлари, аввалги даврлардаги буюк олимларнинг илмий меросларі, Ўзбекистон Республикаси соглиқни сақлаш ҳуқуқий асослари, хозирги замонда жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкиллаштириш, биостатистикадаги замонавий технологияларни, Республиканинг худудий ва ижтимоий-демографик хусусиятлари, касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни ва аҳоли саломатлигини белгиловчи омиллар таъсирини таҳлил қилиш, баҳолаш, тизимли ёндашиш, соглиқни сақлашда маркетинг ва менежмент асосий функциялари бўйича орттирилган кўникмаларни амалиёт билан уйгунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил этиш фани ўқув режанинг клиникагача бўлган фанлар блокига киради. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида белгиланган ижтимоий, назарий, тиббий-биологик, гигиеник ва клиник фанларини ўқитишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илгор педагогик технологиялар қўлланилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан ***мақсад*** **-** жамоат саломатлиги, унга таъсир этувчи хавф омиллари, аҳоли саломатлигини, шу жумладан болалар саломатлигини саклаш, мустахкамлаш ва қайта тиклашни таъминлайдиган тизими, ташкилий-методик, бошқарув жараёнига баҳо бера оладиган, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкил этиш буйича назарий, илмий-амалий ва услубий билимларга эга бўлган мутахассисни (умумий амалиёт шифокор) тайёрлашдир.

Фанни вазифаси:

– талабаларга назарий ва амалий билимлар бериш, қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тиббиёт тарихи билан таништириш,

– жамоат саломатлигини ўрганиш усуллари ва услубларини, аҳоли саломатлиги, шу жумладан болалар саломатлиги ва унга таъсир этувчи ижтимоий шарт-шароитларни ўрганиш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг соглиқни саклаш борасидаги сиёсатини назарий асослаш ва соглиқни саклаш, аҳолига ҳамда болаларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш;

– бозор иқтисодиётини ҳисобга олган холда соглиқни саклашни ташкил этиш, бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

–аҳоли орасида ҳар хил ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг тарқалганлиги ва уларнинг кечиши, умумий касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини аҳолининг айрим гуруҳлари орасида уларнинг турмуш тарзи, ташқи муҳит, ижтимоий-иқтисодий, тарихий шарт-шароитлар билан боглаб ўргатиш;

– тиббиёт ходимларини замон талабларига мос ҳолда тайерлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича билимларини ва кўникмаларини шакллантириш.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

-тиббиёт ривожланишига таъсир этувчи табиат ва жамиятда рўй берган ҳамда рўй бераётган жараёнлар, ҳодисалар, қадимги даврлардан ҳозирги даргача Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларда шифокорлик ва тиббиётни вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари ва умумий қонуниятлари, шифокорлик ва тиббиётни ривожланиш соҳасида йирик цивилизациялар ва алоҳида шахсларнинг ютуқлари;

-санитария статистик тадқиқот усуллари, болалар саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш усуллари;

-Ўзбекистон Республикасида соглиқни сақлаш тизимидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;

– Аҳолига, шу жумладан болаларга бирламчи тиббий санитария ёрдамни ва санитария-эпидемиология хизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, даволаш - профилактика ва санитар-эпидемиологик муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари;

–соглом турмуш тарзини шакллантириш усуллари ва технологиялари;

– меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганда врачлик экспертизасини ташкиллаштириш;

–бозор иқтисодиёти ва соглиқни сақлаш тизимини хозирги даврида шаклланиб бораётган тиббий бозор хусусиятлари, тиббий хизматларга бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олиш услублари ва тамойиллари;

-тиббий муассасалар ва уларни бўлимларини бошқаришда замонавий менежмент ва маркетингнинг ўрни, замонавий менежмент ва маркетинг назариялари, соглиқни сақлашни режалаштириш, иқтисодиёт, маблағ билан таъминлаш асослари тўгрисида ***тасаввурга эга бўлиши***;

- тиббиёт ва соглиқни сақлашни қадимги даврлардан ҳозирги даргача ривожланишини аниқлаш учун тарихий материални таҳлил этиш;

- санитария - статистик тадқиқот босқичларининг мақсад ва вазифалари, болалар саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари;

- соглом турмуш тарзини шакллантириш усуллари ва йўллари, соглом турмуш тарзини таргибот қилиш воситалари, УАШнинг аҳоли ва болалар саломатлигини сақлашдаги ўрни;

- соглиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнишнинг илмий-амалий муаммолари;

-аҳолининг барча қатламларига бирламчи тиббий хизматни ташкил этиш;

- маркетинг тадқиқотлари муаммоси ва мақсадларини аниқлаш, ахборотлар манбаларини танлаш ва уларни йигиш, тиббий хизматлар бозорини шакллантириш;

- тиббий муассасалар ва уларни бўлимларини бошқариш услублари, болалар саломатлигини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва шифокорининг асосий вазифаларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;

- тарихий тадқиқотлар натижаларини талабларга мос равишда хулосалар ва тавсиялар кўринишида ифодалай олиш;

-аҳоли, шу жумладан болалар саломатлиги, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, уларни таққосий баҳолаш;

-болаларга даволаш-профилактика ёрдамини ташкил қилиш;

- меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш;

-соглиқни сақлаш ва тиббий ёрдамнинг сифатини назорат қилиш;

- аҳолини гигиеник тарбиялаш ва соглом турмуш тарзини шакллантириш ишларини ўтказиш;

- тиббий хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, тиббий муассасада мижозга қаратилган тиббий хизматни ташкил этиш,

- маркетинг тадқиқотлар олиб бориш, ходимларни бошқариш бўйича ***амалий кўникмаларига эга бўлиши керак.***

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

Тиббиёт тарихи фани

1-мавзу. “Тиббиёт тарихи” фани, унинг шаклланиши ва бошқа тиббий билимлар қаторида тутган ўрни

Тиббиётда шифокорларни тайёрлашда тиббиёт тарихининг ўрни ва аҳамияти. “Тарихий манба” тушунчаси, тиббиёт тарихини ўрганиш манбалари. Инсоният жамиятида шифокорлик илдизларининг вужудга келиши. Касаллик ва саломатлик тўгрисидаги тасаввурлар

2-мавзу. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида тиббиётнинг ривожланиши

Араб халифаликлари давридаги тиббиёт. Хоразмшоҳлар даври тиббиёти, Бухоро давлатидаги тиббиёт, Қорахонийлар даври тиббиёти. Маъмун Академияси (Хоразм). Касалхоналар, дорихоналарнинг барпо этилиши..

3-мавзу. Буюк темурийлар даврида тиббиётнинг ривожланиши

Амир Темур ҳукмронлиги даври, асосий тавсифи. Темур ва унинг Марказий Осиёда тиббиётни ривожланишидаги ўрни. Алишер Навои ва унинг жаҳон маданияти ва илмининг ривожланишидаги ўрни. Улугбек ҳукмронлиги даври ҳамда унинг илм ва тиббиётнинг ривожланишидаги ўрни.

4-мавзу. Ўзбек хонликлари давридаги тиббиёт

Шайбонийхонлар ҳукмронлиги даврида тиббиётнинг ривожланиши. Убайдулла ибн Юсуф ал-каххол, Субхонқулихон, Абдулгозихонларнинг ҳаёти, фаолияти ва асарлари. "Шифо уйи" фаолиятини ташкил этилиши. Аштархонийлар (сўнгги ўзбек хонликлари) ҳукмронлиги даврида тиббиёт, гигиена ва ноанъанавий тиббиётнинг ривожланиши.

Жамоат саломатлиги фани

5-мавзу. "Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш" фанига кириш

"Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил этиш" фан сифатида тиббиёт, гигиена ва жамият фанлари ичидаги ўрни, унинг шаклланиши ва ривожланиши. Бутун жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) таркиби, асосий йўналишлари, соглиқни сақлашда тутган ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикасини БЖССТ фаолиятида иштирок этиши. Замонавий босқичда соглиқни сақлашни ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнингқонунчилик асослари.

6-мавзу. Тиббиёт статистикаси асослари

Тиббиёт статистикаси ва унинг соглиқни сақлашни назарий ва амалий аҳамияти. Статистик мажмуа ва унинг турлари ҳақида тушунча. Статистик тадқиқот босқичлари. Мутлоқ, нисбий, ўртача миқдорлар, уларни тиббиётда қўлланилиши.

7-мавзу. Аҳоли орасида демографик жараёнларни ўрганиш усуллари

Демография, унинг тиббиётда ва соглиқни сақлашдаги ўрни. Демографик кўрсаткичларини хисоблаш усуллари. Тирик ва ўлик тугилганлик критериялари. Оилани оқилона режалаштириш. Жисмоний ривожланишни ўрганишнинг соглиқни сақлашдаги аҳамияти. Жисмоний ривожланиншнинг маҳаллий ва регионал стандартлари.

8-мавзу. Аҳоли касалланиши ва уни ўрганиш усуллари, ижтимоий-тиббий қирралари

Касаллик ҳақида тушунчалар. Аҳолининг касалланишини ўрганишда давлат статистикасининг аҳамияти. Касалликлар, жароҳатлар ва ўлим сабабларининг таснифи. Болалар орасида кўп учрайдиган касалликлар турлари, уларни ўрганиш усуллари ва манбалари, касалланиш сабабларини ўрганиш. Муҳим ноинфекцион касалликларнинг тиббий-ижтимоий аспектлари.

9-мавзу. Соғлом турмуш тарзи ва уни шакллантириш усуллари

Соглом турмуш тарзи ҳақида тушунча. Соглом турмуш тарзи категориялари. Соглом турмуш тарзини шакллантириш усуллари. Аҳоли, шу

жумладан болалар орасида соглом турмуш тарзини таргиб қилиш технологиялари. Соглиқни сақлашда профилактик йўналишлар.

10-мавзу. Соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи тиббий санитария ёрдамни ташкил этиш

Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдам кўрсатадиган муассасалар вазифалари ва уларнинг таркибий тузилиши. Умумий амалиёт шифокорининг асосий вазифалари ва иш услуби, УАШ иш фаолиятини баҳолайдиган асосий кўрсаткичлар. УАШ фаолиятида қўлланиладиган ҳисобий ва ҳисобот ҳужжатлар. Тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш.

11-мавзу. Шахар ва қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдамни ташкил этиш

Оилавий поликлиника тузилиши, асосий вазифалари. Аҳолига амбулатор ва стационар ёрдамини ташкил этиш, болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари, муассасалар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг турли босқичларида даволаш-профилактика муассасалари ишини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган тиббий марказлар вазифалари ва структураси.

12-мавзу. Меҳнат қобилиятини аниқлаш бўйича врачлик экспертизаси

Вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий-меҳнат экспертизасини ташкил этиш (вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик ҳолати қайд этиладиган ҳужжатларни тўлдириш ва берилиш тартиби). Тургун меҳнатга яроқсизлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий-меҳнат экспертизасини ташкил этиш. Ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот. Врачлик меҳнат эксперт ҳайяти ва унинг таркиби. Ногиронлик сабаблари ва гурухлари.

13-мавзу. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш

Оналар ва болаларга даволаш-профилактик ёрдамини кўрсатиш тизимини бошқариш тартиби. Тиббий-акушерлик ёрдамни кўрсатишни ташкиллаштириш; хомиладор аёллар ва болаларга перинатал даврда хизмат кўрсатувчи муассасалар ишини ташкиллаштириш тамойиллари. Акушерлик комплекси, унинг вазифалари ва таркиби; Аёллар саломатлигини муҳофаза қилишда асосий ижтимоий-гигиеник муаммолар; аборт; оналар ўлими; кўполалик; гинекологик касалликлар ва бепуштликлар муаммолари. Болалар ва оналар ўлимини олдини олиш чора-тадбирлари.

Маркетинг ва менежмент фани

14- мавзу. Соғлиқни сақлашда маркетинг

Маркетинг бошқарувининг моҳияти, мақсади, вазифалари. Маркетинг фанининг вужудга келиш сабаблари, концепциялари. Соглиқни сақлашга бўлган талаблар, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатишда маркетинг бошқарувининг зарурлиги, маркетинг элементлари. Тиббий хизматларга бўлган бозор талаблари ва бозор муносабатлари. Аҳолига сифатли тиббий хизматларни кўрсатишда Фан ва техника тараққиётининг ўрни.

15- мавзу. Маркетинг муҳити ва маркетинг тадбирларини ишлаб чиқишга таъсир этувчи омиллар

Маркетинг тадбирлари мажмуи ва уларнинг мохияти. Тиббиётда сервис хизматларини ташкил этиш ва бошқариш. Маркетинг муҳити ва уни маркетинг тадбирларига таъсири. Маркетинг тадқиқоти усуллари ва босқичлари. Аҳоли саломатлигини яхшилашда ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатишда тиббий хизматлар маркетингининг ўрни.

16- мавзу. Соғлиқни сақлашда менежмент

Менежмент фанининг вужудга келиш шарт нароитлари. Менежмент фанини ривожланиш босқичлари ва назариялари. Менежментда режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва назорат. Менежмент пирамидаси. Бошқаришнинг уч босқичи ва улар ўртасидаги боглиқлик. Даволаш профилактика муассасалари бошқарувининг қуйи (оператив) босқичи ва унда УАШнинг ўрни. Менежмент функциялари ўртасидаги ўзаро боглиқлик.

17-мавзу. Менежментда қарор қабул қилиш жараёни. Ходимларни бошқариш

Қарор қабул қилиш менежернинг фукцияси сифатида. Муассасанинг ички ва ташқи мухитининг SWOT-таҳлили. Менежментда қарор қабул қилиш услублари. Менежментда қарор қабул қилишга таъсир этувчи омиллар. Муассасанинг миссияси ва мақсади. Муассасада ходимларни бошқаришнинг асослари. Муассаса меҳнат ресурсларини режалаштириш ва уни баҳолаш. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. ДПМнин фаолиятини бошқаришда менежернинг роли ва унинг шахсий сифатлари. Менежментда низо ва зиддиятларни бошқариш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машгулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Тиббиёт тарихи фани

1. “Тиббиёт тарихи” фанига кириш. Инсоният жамиятида тиббиётнинг келиб чиқиши.
2. Қадимги Шарқ мамлакатлари тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди. Қадимги Миср тиббиёти.
3. Кадимги Хитой ва Қадимги Ҳиндистон тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.
4. Қадимги Ғарб мамлакатлари тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.
5. Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда тиббиётнинг ривожланиши. Хоразмшоҳлар давридаги тиббиёт.
6. Бухоро давлатидаги тиббиёт. Абу Али Ибн Сино, ҳаёти ва ижоди.
7. Европа мамлакатларида ўрта асрлар тиббиёти, буюк намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.
8. Амир Темур ва темурийлар даври тиббиёти, буюк намоёндоларининг ҳаёти ва ижоди.

9. Ўзбек хонликлари даври тиббиёти, буюк намоёндоларининг ҳаёти ва ижоди.
10. Сўнгги ўзбек хонликлари даври тиббиёти, буюк намоёндоларининг ҳаёти ва ижоди.
11. XIX-XX асрларда Ўзбекистон ҳудудида тиббиётнинг ривожланиши. Ўзбекистонда соглиқни сақлашни давлат тизимининг барпо этилиши.
12. Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимининг ривожланиши. Тиббиёт намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди.
13. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тиббиётнинг ривожланиши. Соглиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, унинг асосий тамойиллари.
14. Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган олимлар, уларнинг ҳаёти ва ижоди.

Жамоат саломатлиги фани

15. Жамоат саломатлиги ва согликни саклашни ташкил этиш фаннинг ўрни, асосий вазифалари.
16. Тиббиёт статистикаси, унинг соглиқни сақлашдаги аҳамияти.
17. Статистик тадкикотларни ташкил этиш ва унинг боскичлари.
18. Нисбий миқдорлар, уларнинг тиббиётда қўлланилиши.
19. Ўртача миқдорлар, турлари, ҳисоблаш усуллари, тиббиётда қўлланилиши.
20. Статистик тадқиқот натижаларининг ишончлик даражасини баҳолаш.
21. График тасвирлар, уларнинг қўлланилиши.
22. Корреляция коэффициенти, унинг баҳолаш усуллари, статистик таҳлил этишда қўлланилиши.
23. Динамик қаторлар, турлари, кўрсаткичлари, статистик таҳлил этишда қўлланилиши.
24. Стандартлаштириш, стандартлаштирилган кўрсаткичларининг аҳамияти, уларни ҳисоблаш.
25. Аҳоли орасида демографик жараён ва демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари.
26. Аҳолининг жисмоний ривожланиши ва унинг ўрганиш усуллари.
27. Аҳоли, шу жумладан болалар касалланишлари кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш. Ҳалқаро касалликлар таснифи.
28. Ногиронлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари. Аҳоли саломатлигини баҳолашда ногиронлик кўрсаткичларининг ўрни.
29. Ижтимоий-гигиеник аҳамиятга эга бўлган касалликларни ўрганиш, уларни камайтириш борасида УАШнинг роли.
30. Ўзбекистон Республикаси соглиқни сақлаш асослари ва тамойиллари. Соглиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги асосий қонун ва меъёрий ҳужжатлари.
31. Шаҳар аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами. Оилавий поликлиникаларнинг иш фаолиятини ташкил қилиш. УАШ асосий вазифалари, иш фаолиятини таҳлили.
32. Қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий санитария хизматини ташкил қилиш. Қишлоқ оилавий поликлиника (КОП)ва қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)

иш фаолияти, асосий вазифалари,ҳисобий ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш.

33. Оилавий поликлиника, ҚОПва КВП иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
34. Касалхона муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш. Касалхона иш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
35. Шошилинч тиббий хизмат ва ихтисослаштирилган марказлар фаолияти. Тез тиббий ёрдам станцияларининг иш фаолиятининг мазмуни, асосий вазифалари, иш фаолиятини таҳлили.
36. Аёлларга тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар.
37. Болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларининг иш фаолиятини ташкил қилиш. Болалар саломатлигини баҳолайдиган кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари.
38. Вақтинчалик мехнат қобилиятини экспертиза қилиш ва ўтказиш қоидалари. ВКК ишини ташкил қилиш ва вазифалари. Ногиронлик, уни белгилаш критериялари.
39. Аҳолига санитария-эпидемиология хизматини ташкил этиш. Аҳолини гигиеник ўқитиш ва тарбиялашда УАШнинг роли.
40. Соглом турмуш тарзи ва унинг саломатликни шакллантиришдаги аҳамияти. СТТ шакллантириш усуллари ва технологиялари.

Маркетинг ва менежмент фани

41. Маркетинг назариялари ва концепциялари. Маркетингнинг вужудга келиш асослари, тарихи, маркетинг элементлари.
42. Маркетинг тадқиқотларини ўтқазиш тамойиллари.Маркетинг тадқиқотларида ахборот йигиш усуллари.
43. Соглиқни сақлаш тизимининг бирламчи погонаси ДПМ иш фаолиятини SWOT - таҳлили.
44. Замонавий менежмент, унинг мохияти ва хусусиятлари. Менежмент услублари, функциялари. Соглиқни сақлашда менежер ўрни ва роли.
45. Соглиқни сақлаш бошқарувида қарорлар қабул қилиш. Стратегик, тактик, оператив қарорлар.
46. Ходимларни бошқариш. Ходимларни ишга қабул қилиш, уларни танлаш ва иш жойларини тақсимлаш. Тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.
47. Менежментда зиддиятларни бошқариш. Зиддиятларнинг турлари, уларни мохияти.
48. Соглиқни сақлашни режалаштириш, маблаг билан таъминлаш асослари.
49. Соглиқни сақлаш иқтисодиётининг вазифалари. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими; давлат бюджети ва унинг таркиби.
50. Соглиқни сақлашда хусусий секторнинг ўрни.

Амалий машгулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши

лозим. Машгулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машгулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машгулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйготиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил этиш фани бўйича ўқув амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйҳати:

1.Тарихий тадқиқотлар натижаларини талабларга мос равишда хулосалар ва тавсиялар кўринишида ифодалай олиш;

2.Аҳоли, шу жумладан болалар саломатлиги, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, уларни таққосий баҳолаш;

3.Болаларга даволаш-профилактика ёрдамини ташкил қилиш;

4.Меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш;

5.Соглиқни сақлаш ва тиббий ёрдамнинг сифатини назорат қилиш;

6.Аҳолини гигиеник тарбиялаш ва соглом турмуш тарзини шакллантириш ишларини ўтказиш;

7.Тиббий хизматларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, тиббий муассасада мижозга қаратилган тиббий хизматни ташкил этиш,

8.Маркетинг тадқиқотлар олиб бориш, ходимларни бошқариш

Ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Талабаларнинг “Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил этиш” фани бўйича ўқув амалиёти “Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни бошқариш” кафедрасининг аудиторияларида ўтказилади.

Амалий машгулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машгулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли ҳужжатлар ва улар билан ишлаш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма-қадам алгоритми педагог томонидан намойиш этилади, алгоритм

асосида босқичма-босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар.

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ҳужжатлар ва керакли шарт шароитлар яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра кўникмани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган меёрий ҳужжатлар, ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар ва ҳ.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда, яъни командада ишлашда иштирок этадилар.

3. Учинчи босқич - хулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани турли хил клиникалар фаолиятига баҳо бериб, ҳужжатларини иш жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Машгулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машгулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

Амалий кўникмаларни шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажарилади ва кундалик (амалий кўникма) дафтарларида акс этади

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Дунё Буюк олимларнинг тиббиётга қўшган хиссаси.
2. Ўзбекистон олимларнинг тиббиётдаги ютуқлари.
3. Касалликлар ва инсон мижозлари пайдо бўлишининг гуморал назарияси. Инсоният жамиятида илк тиббий муолажаларнинг вужудга келиши.
4. Гален ва Гиппократ, уларнинг жаҳон тиббиёти ривожланишига қўшган ҳиссаси.

5. Қадимги цивилизациялар тиббиётининг ўзига хослиги: Қадимги Миср, Месопотамия, Қадимги Эрон, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Хитой.
6. “Тиб қонунлари” ва унинг замонавий тиббиётда қўлланилиши.
7. Клиник ва назарий тиббиёт фанларининг фан сифатида ривожланиш тарихи.
8. Европа мамлакатларида тиббиётнинг ривожланиши, буюк олимлар ва уларнинг тиббиётга қўшган ҳиссаси.
9. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида тиббиётнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган олимлар, уларнинг ҳаёти ва ижоди.
10. XVII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тиббиётнинг ва дунёвий илмларнинг муваффақиятлари.
11. Р.Кох, М.Я.Мудров, Н.И.Пирогов, И.П.Павлов С.П.Боткин ва бошқа буюк олимларнинг ҳаёти, фаолияти, тиббиётнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси.
12. Туркистон Давлат университети ва Тошкент тиббиёт институтининг ташкил этилиши тарихи.
13. Ўзбекистон тиббиётининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган олимлар, уларнинг ҳаёти, фаолияти (Б.Х.Магзумов, С.Н.Бабаджанов, К.А.Зуфаров ва бошқалар)..
14. Ўзбекистон Республикаси соглиқни сақлаш тизими – ислоҳот йўлида.
15. Нисбий микдорларни ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
16. Ўртача микдорларни ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
17. Статистик тадкикотлар натижасини ишончлик даражасини ҳисоблашнинг параметрик усуллари бўйича масалалар ечиш.
18. Ходисалар орасидаги богланиш кучини ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
19. Стандартлаштирилган кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
20. Динамик катор кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
21. Демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
22. Касалланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
23. Муҳим ноэпидемик касалликларни ўрганиш ва мақолаларни таҳлилқилиш.
24. Жароҳатланишларни олдини олиш бўйича моделлар ишлаб чиқиш ва уни таҳлил қилиш.
25. Шаҳар поликлиникаси ва касалхонаси фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича вазиятли масалалар ечиш.
26. Акушерлик комплекси ва аёллар маслахатхонаси фаолияти кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича вазиятли масалаларечиш.
27. Болалар тиббий муассасалар фаолиятини таҳлил қилиш бўйича вазиятли масалалар ечиш.
28. Соглом турмуш тарзиини шакллантириш ва таргиб қилиш концепцияси.
29. Мақсадли гурухлар -ҳаёт тарзини самарали шакллантириш асоси.
30. Ҳулқ-атвор омилларига таъсир кўрсатишнинг валеологик ёндошувлари.
31. Бошқа давлатларда БТСЁ муаммолари ва ютуқлари
32. Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил этиш йўналишида бошқа давлатлардаги ҳолат, халкаро ҳамкорлик.

33. БЖССТ, унинг структураси, асосий фаолияти. Халқаро дастурлар, бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ҳолати. Уларда Ўзбекистоннинг ҳиссаси.
34. Тиббий муассасалар маркетинги.
35. Маркетинг ички ва ташқи муҳити.
36. Маркетинг тадбирлари комплекси ва уларнинг моҳияти.
37. Маркетингда рекламанинг ўрни.
38. Бизнес-режа ишлаб чиқиш тамойиллари, ДПМ бизнес режасини тузиш ва муҳокама қилиш
39. Соглиқни сақлашни режалаштириш кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
40. Соглиқни сақлаш иқтисодиёти кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш.
41. Менежерларнинг лидерлик фазилатларини шакллантириш.
42. Замонавий шароитда кадрлар сиёсатининг аҳамияти ва роли.
43. Бошқарув кадрларни тайёрлашнинг замонавий тизими.
44. Зиддиятнинг таснифи, келиб чиқиш сабалари ва уларни бартараф этиш йўллари.
45. Шахснинг ижтимоий-психологик тамойиллари.
46. Хокимият ва бошқарув стиллари.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

–Бирламчи бўгин тиббий муассасаларида аҳолини профилактик кўрик, беморларни диспансерлаш, патронажларда қатнашиш, тиббий ҳужжатларни тўлдириш, таҳлил қилиш;
–Аҳоли орасида санитар оқартув ишларини, сухбат ва маърузаларни ўтказиш;
–Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
–Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
–Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
–Илмий мақола, анжуманга маъруза, тезисларини тайёрлаш;
–Вазиятли масалалар ечиш;
–Кейс (реал ташкилий вазиятлар ва ташкилий вазиятли масалалар асосида Кейс-стади) ечиш;
–График органайзерлар ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
–Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
–Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустакил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.
–фанни фаол ўзлаштиришда талабаларни олимпиада, танловлар, кўргазма, анжуманлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш.

Фан бўйича курс иши (лойихаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни бошқариш. Дарслик. -Тошкент. “ILM ZIYO” нашриёти. 2013 й.
2. Искандаров Т.И., Абдуфаттаев А.А. Жамоатчилик саломатлиги ва соглиқни сақлаш. Дарслик. –Тошкент. “TMA”. 2008 й.
3. Qodirov A.A. Tibbiyot tarixi. Darslik. -Toshkent. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2005 y.

Қўшимча адабиётлар

1. Г.А.Джалилова, Ш.М.Курбанова, Д.Р.Зупарханова. Медицинская реабилитация и социальная адаптация инвалидов. Монография. Ташкент. «Навруз» нашриёти. 2017 г.
2. Турсунов Э. Тиббиётимизнинг барҳаёт сиймолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. Фан ва технология. 2013 й.
3. В. З. Кучеренко. Применение методов статистического анализа для изучения общественного здоровья и здравоохранения. Учебное пособие. Москва. ГЭОТАР – Медиа. 2011 г.
4. Искандарова Ш.Т., Махмудова Н.М., Джалилова Г.А. Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни ташкил қилишнинг асосий масалалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. Фан ва таълим. 2011 й.
5. Медик В.А., Юрьев В.К. Общественное здоровье и организация здравоохранения. Учебник. - Москва. Из-во «Профессионал». 2009 г.
6. Кадыров А.А. Ўзбекистон тиббиёти тарихи дарслиги. -Тошкент. Ибн Сино нашриёти. 2001 й.
7. А.А.Кадыров. История медицины Узбекистана. Учебник. –Ташкент. Из-во Ибн Сины. 1994 г.
8. Richard Skolnik. Global Health 101. USA. 2015 y.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.
10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.
11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2016 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари
13. Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари

Интернет сайтлари

1. http://www.apha.org/media, Книга American Public Health Association
2. www.yandex.ru/
3. www.google.ru,
4. www.google.co.uz
5. info@minzdrav.uz
6. www.zyonet.uz
7. www.booksmed.com